FARG‘ONA VILOYATI DANG’ARA TUMANI HOKIMINING QARORI

2021 - yil 28 - iyun 12-11-155-Q/21 Dang‘ara tuman hokimligi

Данғара тумани ҳокимининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган қарорларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

HQL-577

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ-6075-сон “Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик хужжатларини қайта кўриб чиқиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ-6075-сон Фармони билан 2021 йил 1 июнга қадар маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив-ҳуқуқий хужжатларини бекор қилиш чораларини кўриш белгиланганлиги инобатга олинсин.

2. Туман ҳокимиг эскирган ва ўз ахамиятини йўқотган норматив тусдаги қарорлари иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

3. Туман ҳокимлиги Матбуот хизмати (У.Усмонов) мазкур қарорни расмий эълон қилинишини ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Абдуллаев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Ш.Тожиҳакимов**

Данғара туман ҳокимининг
2021 йил 28 июндаги
12-11-155-Q/21-сон қарорига
1-илова
Туман ҳокимининг

2021 йил___ июндаги __ -сон қарорига

ИЛОВА

Туман ҳокимининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган айрим қарорлари

РУЙХАТИ

1. Данғара туман ҳокимининг 2013 йил 31 январдаги 65-сонли “Тумандаги халқ хўжалигига тегишли бўлган ҳамда ахолини шахсий транспорт воситаларинин (авфтомобиль, мотоцикил ва препцеплар) ўз вақтида йиллик техник холатини кўрикдан ўтказиш мақсадидаги қарори.
2. Данғара туман ҳокимининг 2015 йил 19 мартдаги 231-сонли “Тумандаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни шунингдек машина-трактор парклари устахоналар ва сервиз пунктларини асбоб ускуналарини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги қарори.
3. Данғара туман ҳокимининг 2019 йил 30 августдаги “Мактаб ёшидаги болаларни мажбурий таълимга жалб этиш мақсадида тумандаги хар-бир таълим муассасасига худуд ва микро ҳудудларни бириктириш тўғрисидаги 4075- сонли қарори
4. Данғара туман ҳокимининг 2019 йил 20 сентябрдаги “Туманда ижтимоий мухофазага мухтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тўғрисидаги 4381-сонли қарори.
5. Данғара туман ҳокиминиг 2020 йил 26 мартдаги “Автомототранспорт воситаларини йиллик мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида”ги 187-сонли қарори.
6. Данғара туман ҳокимининг 2020 йил 6 январдаги “Данғара туманинг 2020 йилги махаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисидаги 7-сонли қарори.
7. Данғара туман ҳокимининг 2020 йил 27 февралдаги 87-сонли “Тумандаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни шунингдек машина-трактор парклари устахоналар ва сервиз пунктларини асбоб ускуналарини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги қарори.